

»» 21 сентябрь —
Бутунжаҳон тозалик куни

ОЛТИН ДАВР, ШУКУҲЛИ ЛАҲЗАЛАР

Табиатнинг мусаффолиги учун кураш ўзининг узоқ тарихи ва бой анъаналарига эга. Бу ташаббусли ҳаракат кўмак, савоат ва ҳашарнинг бир кўриниши сифатида аҳамият касб этиб келган. “Ҳашар – элга ярашар” деган халқ нақли ҳам ана шу беминнат, бегараз ихтиёрий ташаббуснинг меваси.



Элимизга хос бағрикенглик, ўзаро ҳамжиҳатлик, турли байрам ва саналар олдидан мавзелар, кўчалар ва аҳоли уй-жойларини ободонлаштириш ишлари уюшқоқлик ва ҳамжиҳатлик билан амалга оширилиши қадимдан расм бўлган.

Бутунжаҳон атроф-муҳит куни мазмун-моҳиятига кўра, инсоният олдидан турган кенг кўламли ва чуқур илдиз отишга улгурган муаммоларга ечим излашга йўналтирилган сана. Бу кун нафақат атроф-муҳит муаммолари ҳақида яна бир қарра ўйлаш, мулоҳаза юритиш фурсати ҳамдир.

Сир эмаски, йилдан йилга сайёрамызда экологик вазият кескинлашиб бормоқда. Бугунги кунда тараққиёт сари одимлаётган, тамаддунга интилаётган ҳар бир мамлакатда атроф-муҳит муҳофазаси учун масъул бир қатор ташкилотлар мавжуд. Бу тузилмалар доимий равишда табиати муҳофаза қилишга доир турли акциялар ўтказиб келишади. Бундан ташқари, БМТ доирасида ҳар йили сувни, ҳавони ва бошқа табиат захираларини муҳофаза қилиш кунлари ўтказилади. Бу каби саналар муносабати билан атроф-муҳит муҳофазаси қилишга қаратилган кўплаб тадбирлар амалга оширилади. Бутунжаҳон тозалик кунини ҳам дунё бўйлаб турли тадбирлар амалга оширилади. Бу эса инсониятнинг экологик муаммоларига бефарқ эмаслигидан, табиат ҳақида қайғураётганидан дарак беради.

Президент Қасим-Жўмарт Тўқаяевнинг ташаббуси билан жорий йил баҳордан буён «Тоza Қозоғистон» умум-халқ акцияси ўтказилмоқда.

Мазкур тадбир экологик муаммоларнинг тобора дунёвий аҳамият касб этиб бораётганини инобатга олиниб, сўнги йилларда муҳим устувор вазифалар билан бир қаторда атроф-муҳит муҳофазаси, экологик маданият, экологик таълим-тарбия, экологик маърифат масалаларига алоҳида эътибор қаратилиши лозимлигини кўрсатди.

Акциянинг мақсади Қозоғистон халқини ҳудудни тозалаш бўйича қатор тадбирларни ташкил этиш учун бирлаштиришдан иборат.

Давлат раҳбари Қасим-Жўмарт Тўқаяев апрель ойида умумшаҳар шанбаликда иштирок этиб, акцияни расман очиб, Астанадаги “Улитов” хиёбонига кўчат ўтказди.

Президент билан биргаликда кўнгилчилар, “Ассамблея ёшлари” ташкилоти вакиллари, фан, бунёдкорлик санояти, маданият, спорт соҳаларида фаолият юритаётган фаол ёшлар иштирок этиб, 430 туп кўчат ўтказди-лар.



Қ. Тўқаяев ёшлар билан мулоқотда бўлди. Президент жамиятда экология маданиятини шакллантириш, табиати муҳофаза қилиш муҳим аҳамиятга эга эканлигини таъкидлади.

– Дарҳақиқат, мамлакатимизни ободонлаштириш катта давлат аҳамиятига молик вазифадир. Бу бугун эълон қилинадиган ва эртага унутилмайдиган бир марталик тадбир эмас. Бу иш мунтазам равишда олиб бориладиган амалиёт бўлади. Ватанимизни тоза сақлашимиз керак. Бу – миллий муаммо. Қозоғистон тоза бўлиши даркор. Ҳеч ким ифлос мамлакатга меҳмон ёки сармоядор сифатида келмайди. Лекин, биринчи навбатда, Қозоғистоннинг тоза ва гўзал бўлиши биз учун, яъни одамлар учун зарур. Бу кундалик турмуш тарзига айланиши керак. Шунингдек, бу борадаги ишлар нафақат пойтахт ва йирик шаҳарларда, балки кичик шаҳарча, туман ва қишлоқларда ҳам мунтазам ташкил этилмоқда. Бутун Қозоғистонни тоза сақлаш ёшларга боғлиқ. Мен ёшларга ишонаман. Шу боис улардан умидим катта, – деди Давлат раҳбари.

Шундан сўнг Давлат раҳбари Ботаника боғига ташриф буюриб, шаҳар миқёсида ўтказилаётган шанбаликда иштирок этаётган аҳоли, пойтахт коммунал хўжалиги ходимларига миннатдорчилик билдирди.

Бутунжаҳон тозалик куни – бу инсоният ўзи яшаб турган ҳудудда тозаликни ўрнатиш госянини ифода этади. Ҳозир 2008 йили Эстонияда вужудга келиб, 50 000 кўнгилчилар мамлакатни чиқиндилардан холи этиш учун бирлашди. Ҳозир мазкур кун 180дан ортиқ мамлакатни бир мақсад сари бирлаштирувчи йирик ижтимоий ҳаракатга айланди.

24.kz. маълумотлари асосида.

ИССИҚЛИК
ЭЛЕКТР СТАНЦИЯСИ
ТАЪМИРЛАНМОҚДА

2-бет

МОЛИЯВИЙ
САВОДХОНЛИК –
ДАВР ТАЛАБИ

7-бет

СЎЗОҚЛИК
СУЛТОНБОЙ
МУАЛЛИМ

8-бет

Жанубий Қозоғистон

1991 йил 5 апрелдан чиқа бошлаган
Сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади

2024 йил 21 сентябрь, шанба, №106-107 (3452-3453).

»» Президент

Президент Қасим-Жўмарт Тўқаяев Ички ишлар вазири Ержан Саденовни қабул қилди.

Президентга бугунга қадар соҳада олиб борилаётган ислохотлар ва галдаги вазифалар ҳақида маълумот берилди.

Вазирнинг сўзларига кўра, йил бошдан буён жиноятчилик даражаси пасайган. Жамоат жойларида ва вояга етмаганлар иштирокида содир этилган ҳуқуқбузарликлар камайди. Бундан ташқари, барча турдаги жиноятларни очиб кўрсаткичлари яхшиланди.

Давлат раҳбарига уюшган, кибер ва гиёҳвандлик жиноятларига қарши кураш, йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш, шунингдек, кадрлар салоҳиятини ошириш юзасидан муқаддам берилган вазифалар ижроси ҳақида маълумот берилди.

Вазир “Қонун ва тартиб” тамойилларини ҳаётга татбиқ этиш, ҳуқуқбузарликларга мурасасизлик, шунингдек, қонунбузарликларнинг олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар ҳақида фикр юритди.

ЭЛНИНГ ОСОЙИШТАЛИГИ – ЭНГ ОЛИЙ НЕЪМАТ



ҚР ПРЕЗИДЕНТИ ИЧКИ ИШЛАР
ВАЗИРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Бундан ташқари, Президентга жазони ижро этиш тизими муасасаларидаги аҳвол ҳақида ахборот берилди.

– Бугунги кунда дунёда ҳукм сураётган мурраккаб ва таҳликали шароитда мамлакатимиз хавфсизлиги ва ҳудудий яхлитлигини таъминлаш, жамиятимизда тинчлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш қанчалик муҳим

вазифа эканлигини барчамиз яхши англаймиз. Шу боис, кейинги йилларда ички ишлар тизимини ислоҳ қилишга устувор эътибор қаратилмоқда, – деди Президент. – Бу борада барча ҳудудларимизда хавфсиз шароит яратиш, тинчлик ва осойишталикка қарши таҳдидларга тўлиқ барҳам бериш мақсадида ишлаб чиқилган қонунлар ҳамда жамоат хавфсиз-

лигини таъминлаш тизимини ривожлантириш соҳасида ислохотлар изчил амалга оширилмоқда.

Учрашув якунида Давлат раҳбари томонидан мамлакатда ҳуқуқ-тартибот ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш даражасини янада ошириш юзасидан қатор вазифалар белгиланди.

Akorda.kz. маълумотлари асосида.

ОРОЛ ДАРДИ – ОЛАМ ДАРДИ

АСТАНАДА ХАЛҚАРО ОРОЛНИ ҚУТҚАРИШ ЖАМҒАРМАСИ
БОШҚАРУВИНИНГ ДАСТЛАБКИ ЙИГИЛИШИ ЎТДИ



ҚР Бош вазири ўринбосари Қанат Бўзимбаев раислигидаги тадбирда Қозоғистон Сув захиралари ва ирригация вазири Нуржан Нуржигитов, ХОҚЖ(Халқаро Оролни қутқариш жамғармаси) Ижроия қўмитаси раиси Асхат Ўралбай, Тожикистон Бош вазири ўринбосари Сулаймон Зиёзода, Туркменистон Вазирлар маҳкамаси раисининг ўринбосари Тангрикули Атахаллиев, Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчиси Шуҳрат Ғаниев, Қирғизистон Республикасининг Қозоғистондаги Фавқулудда ва Мухтор Элчиси Дастан Дюшекеев иштирок этди.

»» Обуна-2025

Ахборот бугунги кунимизда шунчаки омма эҳтиёжи учун зарур маҳсулотгина эмас, балки жамоат фикрини шакллантирадиган восита ҳамдир. Кундалик ҳаётимиздаги юзлаб ахборотлар ичидан ҳақ-ноҳақни фарқлаб, сарак-пучакка ажратиб, оммага энг сара ва энг ҳолисини тезкор тарзда тақдим этиб боришдек масъулият ва машаққатли вазифа оммавий ахборот воситаларининг, асосан давлат газеталарининг зиммасида. Туркистон вилоятида ўзбек тилида чиқадиган ягона давлат нашри бор, бу – «Жанубий Қозоғистон» газетаси. Бу нашр 33 йилдан буён мунтазам равишда чоп этилмоқда. Шунинг учун мухлисларимизнинг нашрга ҳурматини она тилимизга, давлатимизга ҳурмати сифатида қабул қиламиз.

Ўз ўрнида топиб айтилган сўз улкан моддий ва маънавий муаммоларни ҳал қилишда яқин ёрдамчига айланиши сўзнинг қудрати, сўз аҳлининг маҳоратидан дарак беради. Шунинг учун ҳам муштарийларимиз газетамизнинг ҳар бир сонини, ҳар чиқишини интиқ кутишади...

Тахририятимизга кун сайин хатлар, мурожаатлар келади. Кимдир бир савол билан, кимдир бирон муаммо билан, яна биров дилдаги фикр-мулоҳазалари би-

лан мактуб битади. Демак, одамлар газета ўқияпти, матбуотдан нимадир кутади. Бундай эътирофлар, албатта, бизга билдирилаётган ишонч, самимий фикрлар, мухлисларнинг истаги... буларнинг ҳаммаси журналистга, матбуот ходимига кучли руҳий қувват беради.

Қилинадиган ишлар кўп, фаолиятимиз ҳам айрим камчиликлардан холи эмас. Лекин газета орқали кимгадир эзулик улашиш,

лоақал биргина кўнгилга йўл топаётганини ҳис қилиш кишига ўзгача бир ҳузур, ўз ишдан қониқиш ва мамнуният бағишлайди.

...Журналистлар дилидан қайнаб чиққан сўзларни тонг сарҳарданоқ элга етказиш учун ҳар кеча босмаҳоналарда минглаб нусхадаги газеталар чоп этила-

Йиғилиш давомида Қозоғистон томони Иш режасини тақдим этди. Ҳужжат таъсисчи давлатлар раҳбарлари ва ХОҚЖ Президенти топшириқларини амалга ошириш ва жамғарманинг ташкилий тузилмаси ва шартнома-ҳуқуқий базасини такомиллаштиришга қаратилган 10та йўналиш ва 40дан ортиқ чора-тадбирлардан иборат.

Бош вазир Ўлжас Бектенов Қозоғистон Республикаси раислигида Оролни қутқариш халқаро жамғармаси бошқарувининг дастлабки йиғилишида иштирок этаётган мамлакатлар делегациялари раҳбарлари билан учрашув ўтказди.

Учрашувда трансчегаравий сув захираларидан ҳамкорликда фойдаланиш масалалари, шунингдек, Орол денгизи ҳавзасидаги экологик ва ижтимоий-иқтисодий муаммоларни атрофлича ҳал этиш чора-тадбирлари муҳокама қилинди.

Қозоғистон 2024-2026 йиллар давомида Оролни қутқариш халқаро жамғармаси (ОҚЖ) раиси бўлади.

Муҳокама якунлари бўйича ҚР Бош вазири Ўлжас Бектенов делегация раҳбарларига минтақа экотизимини яхшилаш юзасидан умумий вазифага қўшган ҳиссаси учун миннатдорчилик билдирди ва Қозоғистон Хукумати қўша режаларни амалга ошириш бўйича амалий мулоқотдан манфаатдор эканини таъкидлади.

24.kz. маълумотлари асосида.

ди. Омманинг сўзга эҳтиёжини таъминлаш, дарду ҳасратига, муаммоларига ечим топишда биз, журналистлар доим хизматдамиз.

Бундан ташқари сиз, азиз газетчилик билан туманлар ва қишлоқларда учрашувлар ўтказишни, сизларни қизиқтираётган барча мавзуларда дилдан суҳбат қуришни қанда қилмапмиз.

Куч бирликда, бирлашган ўзар, деб айтилиши бежиз эмас. Бирлашиб, халқнинг минбари бўлган газетани янги мазмун билан бойитайлик.

Шоир Абдулҳамид Чўлпоннинг ушбу сатрларини эътиборингизга ҳавола қилиб, биз билан ҳамкорлик қилишни истаган барча муштарийларимизга эшигимиз ва қалбимиз очиклигини яна бир бор эслатамиз.

Халқ – денгиздир,
халқ – тўлқиндир,
халқ – қучдир.

Бутун кунчи
халқ ичидан олайлик,
Кучоқ очиб,
халқ ичига борайлик!

ТАХРИРИЯТ.



ИССИҚЛИК ЭЛЕКТР СТАНЦИЯСИ ТАЪМИРЛАНМОҚДА



Вилоят ҳокими Дархан Сатибалди Кентов шахридаги “Кентау Сервис” ДКК 5-Иссиқлик электр марказидаги эскирган қозонхоналарни қайта қуриш ишларини кўздан кечириб, иш жараёни билан танишди.



Мутахассислар, пудратчи компания вакиллари, муҳандислар билан мулоқотда бўлди. Уларга иш суръатини оширишни топширди.

– Ишинг мuddати ҳамда сифатли яқунланиши қатъий назоратга олинган. Ҳукумат раҳбарининг топшириғига мувофиқ, давлат-хусусий ҳамкорлиги дастаги орқали 240 МВтли янги газотурбина электр станциясининг қурилиши лойиҳасини амалга ошириш учун уч томонлама шартнома имзоланиб, йўл харитаси тасдиқланди.

Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати.

»» Президент Мактуби – амал дастури

ТАРАҚҚИЁТНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ БЕЛГИЛАНДИ

Суҳбатдошимиз – Туркистон шахридаги кўп соҳали индустриал техника коллежи директори Айдўс Абпазов (тасвирда). Туркистон вилоятида жами 50та давлат коллежлари фаолият юритади. А. Абпазов жами 30 минг талаба 71 ихтисослик бўйича таълим олаётган шу коллежлар директорлар кенгаши раиси ҳамдир.



– Айдўс Кенжеханули, ҚР Президенти Мактубидаги бешинчи бўлимда соҳангизга оид муҳим янги вазифалар қайд этилган. Хусусан, Президент: “Мен 2025 йилни “Ишчи касблари йили”, деб эълон қиламан. Ушбу вақт мобайнида техник ва касб-хунар тизимини ислоҳ қилиш зарур. Шунингдек, биз ишчи ихтисосликларини тарғиб қилиш орқали жамиятда меҳнатқаш ва ҳақиқий мутахассис бўлиш ғоясини ташвиқот қиламиз”, дея таъкидлади.

– Давлатимиз раҳбари ташаббусини қўллаб-қувватлайман. 2019 йилдан бизда “Жас маман” дастури амалга оширилмоқда. Мен эртага пойтахтимиз Астанага отланаман. Мақсад – Маориф вазирлигида Республикаимиз вилоятларидаги коллежлар директорлари билан ҚР Президентининг Мактубида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш масаласини муҳокама қиламиз. Масалалар ҳар қачонгидек кўп ва бири-бирдан муҳим.

– Сиз раҳбарлик қилаётган коллеж Иттифоқ даврида Қозоғистон ва бошқа ҳудудларга индустриал педагогика техникуми сифатида малакали мутахассислар тайёрлаган қўлтуғ даргоҳ. Аввалги мусоҳабамизда коллежингиз базасида автоустахоналар ташкил этилиб, талабалар аҳолига тўловли хизмат кўрсатишини муҳокама қилгандик...

– Тўғри, режаларимиз кўп. Аммо, коллежимиз Низомида тадбиркорлик, тўловли хизмат фаолиятини юритиш қайд этилмаган. Вазирликдан бизга тўловли хизмат билан шуғулланишни тавсия этишади, лекин, Низомда ҳуқуқий асослар йўқлиги боис, биз қонунни буза олмаймиз. Астанада, вазирликда мана шу каби масалалар ҳам тўлиқ ҳал қилинади, деб ўйлайман. Таъкидлаш жоиз, 2025 йилнинг ишчи касблари йили, деб эълон қилиниши барчамизни янада кўпроқ, самаралироқ меҳнат қилишга даъват этади.

– Суҳбатингиз учун раҳмат!

Ш. МАДАЛИЕВ.

ҚР ўзбеклари “Дўстлик” ҳамжамияти раиси И. Ҳошимжонов Астана шахрига икки кунлик хизмат сафари билан бориб, ҚХА мутасаддилари билан мулоқотда галдаги тадбирларнинг режалари муҳокама қилишди.



ЯНГИ ЛАВОЗИМ МУБОРАК!

Фурсатдан фойдаланиб, Ўзбекистоннинг Қозоғистондаги Мухтор ва Фавқуллода элчиси Бахтиёр Иброҳимовни янги лавозими билан табриклади. Суҳбат давомида икки давлат ўртасида маданий-маърифий тадбирлар ўтказиш орқали яхши қўшничилик алоқаларини янада мустаҳкамлашни мақсад қилиб кўйди. Янги тайинланган



элчи жанобларининг ишларига омад тилаб, ҳамкорлик чора-тадбирлари режалаштирилди. Элчихона ходимлари “Ўзбек тили, маданияти ва анъаналари” байрамига тақдир этилди.

Сўзга чиққанлар собиқ элчи Саидикром Ниёзхўжаевнинг келгуси ишларига омадлар тилади. Тадбирда ҳамжамият раисининг ўринбосари Ҳасан Шарипов ва Астана шаҳар ЎЗЭМ раиси Шерзод Пўлатовлар ҳам иштирок этишди.

“Жанубий Қозоғистон” мухбири.

ЭЗГУ ТАШАББУСЛАР Қўллаб-қувватланди



Ў. Жанибеков номидаги ЖҚПУда Шимкент шаҳар ҚХА қошидаги илмий-тадқиқот гуруҳи иштирокида “АЭС: долзарб масалаларни ҳал қилиш йўли” мавзусида йиғилиш ўтди.

Тадбирни дорилфунуннинг тарбиявий ишлар ва ёшлар сиёсати департаменти директори, Шимкент шаҳар ҚХА Илмий-тадқиқот гуруҳи раисининг ўринбосари Қайрат Анарбаев олиб борди.

Учрашувда Ў. Жанибеков номидаги ЖҚПУ ректори Гулжан Даулетбек кизи, ҚХА қошидаги илмий-тадқиқот гуруҳи аъзолари, ўқитувчилар, талабалар иштирок этишди.

Хусусан, бугунги кунда шаҳар Қозоғистон халқи Ассамблеяси қошида илмий-тадқиқот гуруҳи фаолият юритмоқда. Унинг таркибига олимлар ва тадқиқотчилар киритилган.

Гуруҳ аъзолари этноконфессионал вазият, этнослараро муносабатларнинг кескинлашуви эҳтимоллари, уларнинг олдини олишнинг назарий тамойиллари хусусидаги ахборотларни таҳлил қилиб, демографик вазиятга мониторинг юритади.

Сайрам тумани ҳокимининг матбуот хизмати.



ТУРМУШ СИФАТИ ИҚТИСОДИЁТ КЎЗГУСИ

Навбатдаги девон мажлиси туман ҳокими Арман Сабитов раислигида ўтди. Кун тартибидан икки масала муҳокама қилинди.

Дастлаб, туман ҳокимининг ўринбосари Шуҳратулла Убайдуллаев оиланинг рақамли харитаси ҳақида маъруза қилди. Туман тадбиркорлик ва қишлоқ хўжалиги бўлими бошлиғи Баҳодир Улжаев “Қишлоқ омонати” лойиҳасининг ижроси ҳақида маълумот берди. Мазкур дастур доирасида Манкент, Қорамурт, Қорасув, Орис қишлоқларида аҳолининг қорамол, паррандачилик ва балиқчиликни ривожлантириш, молиялаштирилишига оид масалалар муҳокама қилинди.

Ҳоким мутасаддиларга “Қишлоқ омонати” дастурига тавсия қилинган иншоотларни тизимли равишда таҳлил қилишни топширди.

Сайрам тумани ҳокимининг матбуот хизмати.

БУЮК МАҚСАДЛАРГА ЭРИШИШ УЧУН ЭЛ БИРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ЛОЗИМ



Давлат раҳбари Қасим-Жўмарт Тўқаев Қозоғистон халқига навбатдаги “Адолатли Қозоғистон: қонун ва интизом, иқтисодий тараққиёт, ижтимоий неқбинлик” номли Мактубини йўллади.

Президентнинг Мактубида галдаги сиёсий ислохотларнинг янги дастури ва ижтимоий-сиёсий йўналишида амалга оширилаётган вазифалар тўғрисида айтилди.

Президент мамлакатимизда амалга оширилган ижобий ишлар, айниқса, «халқ овозини тинглайдиган давлат» талаби аҳоли томонидан ҳам қўллаб-қувватланганлигини таъкидлади. Келажак авлодга Адолатли Қозоғистонни топшириш – барчамизнинг муқаддас бурчимиз.

«Мен Давлат раҳбари сифатида бу вазифани амалга ошириш учун бор куч-ғайратимни ишга соламан. Сизлар ҳам умумий мақсадга эришиш учун астойдил ҳаракат қилишингизга ишончим комил. Жаннатмакон Ватанимиз – Қозоғистон юксалаверсин! Халқимиз омон бўлсин!», деди Президент.

Қўллаб муҳим масалаларни қамраб олган ушбу ҳужжат мамлакатимизнинг ёрқин келажagini таъминлаши аниқ. Шу боис, Мактубда белгиланган вазифаларни амалга ошириш учун бир ёқадан бош чиқариб ҳаракат қилиш мақсадга мувофиқдир.

Баҳодир ИРИСМЕТОВ,
Туркистон вилоят ўзбек этномаданият
бирлашмаси раиси.

Юртимиздаги кадрлар салоҳиятини ошириш ишида ўрта таълим тизими ўта муҳим ўрин тутди. Шу боис, вилоятимизда энг яхши ўқитувчиларни раҳбарлик лавозимларига танловсиз тайинлаш учун 150 кишидан иборат кадрлар захираси тузилди.



МУАЛЛИМЛАР ХОРИЖДА МАЛАКА ОШИРИШАДИ

Келгусида вилоятимиз мамлакатимизда илк бор махсус бошқарув курсида 500дан зиёд мактаб директорларини ўқитади. Алматыда Абай университети ҳам ушбу ташаббусга ўз ҳиссасини қўшишга тайёр.

Бунгача туркистонлик ўқитувчилар ва услубиятчилар Японияда “Lesson study” услуги, АҚШда “Инклюзив таълим”, Хитойда “Техник ва касбий тайёргарлик”

йўналишлари бўйича тажриба алмашишган. Бу жараён янги ўқув йилида ҳам давом этади ва ўқитувчилар Франция, Малайзия, Финляндия, Сингапурда махсус амалий курслардан ўтадилар. Бу ерда “Бадастир мактаб” ва “Мақсадли мактаб” ўқитувчиларига устувор аҳамият қаратилади.

Ҳукумат топшириғига кўра, жорий йилги ўқув йилида рес-

публикадаги таълим даражаси паст мактабларнинг рўйхати тузилди. Элимиз бўйича белгиланган 943та “Мақсадли мактаб” рўйхатида минтақада таълим сифати паст 162та мактаб бор. Шу боис, ушбу мактабда таълим сифатини ошириш бўйича режа ишлаб чиқилди.

Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати.

ЧЕГАРА МАСАЛАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ



Сариғоч тумани ҳокими қошидаги чегара масалалари бўйича мувофиқлаштириш кенгашининг навбатдаги мажлиси ўтди.

Кун тартибидаги “давлат чегарасига яқин ҳудудларда ноқонуний тадбиркорлик юритиш, жониворларни ва балиқ овлаш бўйича тушунтириш ишлари юзасидан туман тадбиркорлик ва қишлоқ хўжалиги бўлимининг раҳбари А. Амирхановнинг маърузаси тингланди.

Сўнг чегарага яқин жойлашган Жибек жўли ва Дергабисек қишлоқлари ҳокимлари А. Сейтжаппаров ва Д. Артиқбай “муҳандислик-техник ускуналарга зарар етказиш, улар қошида уй ҳайвонларини назоратсиз ўтлатиш, жониворларни тамғалаш бў-

йича олиб борилган ишларнинг натижалари юзасидан маъруза қилишди.

Йиғилишга яқун ясар экан, туман ҳокими А. Абдуллаев масъул муассасаларга чегара ҳудудидаги шаҳар ва қишлоқларда тегишли ишлар юритишни топширди.

Сариғоч тумани ҳокимининг матбуот хизмати.

ЎЛЖАС СУЛЕЙМЕНОВ: «БАРЧАМИЗ – ҚОЗОҒИСТОНЛИКЛАРМИЗ!»

ЭЪТИҚОДИМ – ТОҒЛАРНИ КАМСИТМАСДАН, ДАШТНИ ЮКСАЛТИРИШДИР



Ўлжас Сулейменов... Забардаст ёзувчи, публицист, давлат ва жамоат арбоби. Шон-шўхрати оламжаҳон! Марказий Осиёнинг дунё билан бўйлашган доврқли ўғлони. «Ўлжас қозоқ халқининг пешонасига ярқираган юлдуз бўлиб битилган инсонлардан бири. Унинг шеърый мисраларида сачраган сўзлар тоғлардан шарқираб тушган зилол сувнинг зумрад, дуру қаҳрабо томчилари каби инсон руҳиятига ҳузур бахш этади. Шарқираб тушаётган сув – оҳанги ҳам, жозибаси ҳам, роҳат-фароғати ҳам, тинқлиги ҳам ўзи билан. У қозоқ овуллари, қозоқ даштлари, қардош дўстларимизнинг ўзига хослигини, умуман, қозоқ кенгликларини кафтида тутиб, дунёнинг энг баланд минбарларига олиб чиқди», деб ёзган эди у ҳақда таниқли ёзувчи Чингиз Айтматов.



Қозоғистон халқ шоири Ўлжас Сулейменовнинг 25 ёшида ёзган "Замин, инсонга таъзим айла!" достони, ўша заҳотиёқ дунёнинг мана-ман деган мамлакатларининг пўрим шаҳарларида, очиқ майдонларида, минглаб-миллионлаб одамлар қаршисида янгради. Ёш шоир Америка дейсизми, Европа дейсизми, барча давлатларда Инсон улуғланган ўша достонни гўмбурлаган ўз овози билан ўқиб, жаҳонни маҳлиё эта олди.

Бу достон варақалари самолётдан улкан шаҳарлар устидан сочиб юборилгани ҳам айна ҳақиқат.

Забардаст шоирнинг яна бир улғ иши – "Аз и Я" китоби бўлди. Давр мафкурасининг айсберглари шиддат билан кетаётган "Эзгулик кема"нинг йўлига тўғаноқ бўлди. Бироқ бу кема Ўлжасона қудрат билан баланд қоя – музтоғни бўлаклаб, ёриб ўта олди.

Бугунги кунда Қозоғистоннинг ЮНЕСКОдаги элчиси сифатида фаолият юритаётган Ўлжас Сулейменов бетоб бўлишига қарамай, газетамизга мусоҳаба беришга қаршилиқ қилмади.

Отахон публицист билан суҳбатимизни «Аз и Я» асаридан бошладик. Ў. Сулейменов 1976 йилда Шўролар Иттифоқи Коммунистик партияси марказий кўмитаси китобни савдо расталаридан йиғиб олиш, китобни нашр этган муҳаррири ишдан ҳайдашга махсус буйруқ чиқаргани, асарларини эълон қилиш тақиқланганини гапириб берди.

1989 йилда Ўлжас Сулейменов СССР халқ депутати этиб сайланади ва Қозоғистон ҳудудида ядровий қуроллар синовини тўхтатиш мақсадидаги «Невада-Семипалатинск» аксиядро ҳаракатини ташкил этади. Ушбу ҳаракат тасвирида 1991 йилда Қозоғистондаги Семипалатинск ядро полигони ёпилади, Қозоғистон ядровий қуролдан холи ҳудуд деб эълон қилинади.

Ўлжас Сулейменов ҳозир ҳам туркий сўзларнинг келиб чиқиши мавзусидаги тадқиқотларини давом эттираётганини айтди.

– Сиз «ВВС»га берган мусоҳабангизда бугун ҳам туркий ва рус тилларидаги сўзларнинг келиб чиқиши устидаги изланишларингиз давом эттираётганингиз ҳақида айтгансиз. Ана шу изланишларингиз ҳақида батафсил гапириб бера оласизми?

– Мен тилшуносликда, хусусан туркшунослик ва славяншуносликда ниҳоят туркславистика шаклланиши лозим, деган фикрдаман. Туркславистика алоҳида фан бўлиши керак. Ана ўшанда биз туркийлар билан славянар ўртасида лексика ва грамматикага тааллуқли материалларнинг ўзаро айирбошлаш миқёсининг нақадар кенг бўлганини тўлиқ англаймиз. Ана ўшанда биз маданий, иқтисодий ва сийёсий ўзаро муносабатларнинг тарихи қандай бўлганидан бохабар бўламиз. Тиллар ўртасидаги алмашинув сири очилмас экан, тарих ҳақиқати қайта тикланмайди. Археология, генетика, полиография бизга жуда ҳам маълумот беради. Фақат тилшуносликка тўлиқ маълумотга эга бўлиш имконини яратишга қодирдир. Тилшуносликнинг туркславистика деб аталувчи янги йўналиши бизга ана шун-

рин Қозоғистоннинг Бойқўнғир космодромидан космосга учган эди. Мен бу парвоз ҳақида бир кун илғари бохабар бўлганман. Ўшанда мен «Казахстанская правда» рўзномасида ишлардим, менга бу ҳақда газета бош муҳаррири айтди. Ва менга шу мавзуда шеър ёзишни топширди. Мен бу топшириқни бажардим. Шеърни кечаси рўзномада чоп этишга бердик, у эрталаб ТАСС ахборот агентлигининг Юрий Гагарин парвози ҳақидаги хабари билан бирга газета юзини кўрди. Ўша кунни бутун Олма-Ота шаҳри аҳолиси кўчада эди – апрелнинг кўёш нур сочиб турган ажойиб кун эди. Осмондан рангли варақалар сочиларди, бу менинг шеърим эди. Бу шеър жуда тўлқинли, илҳомий шеър эмас эди, аммо у менинг «Қойил-мисан, инсонга замин» достонининг дунёга келишига туртки берганди. Бу парвоздан мен шунчалик ҳаяжонланган эдимки, бир ҳафта давомида тўхтовсиз поэма устида ишладим ва бир ҳафтадан кейин алоҳида нашр сифатида чоп этилди. Достонни кейин




инсоният тарихидаги янги саҳифасини очган қаҳрамон инсон гапирар, ҳайқирар эди. Бу ҳодисани хотирлаб турилса, ёмон бўлмас эди ва мен бу достоним ўша даврни ёдга солиб туршидан мамнунман.

– Ўлжас Ғарури, анчадан буён сизнинг янги асарларингизни ўқи-

кўчишига бағишланган, ундан сўн Жануби-шарқий Осиё минтақасида халқларнинг яшаш жойларини ўзгартириши мавзусида Хитойда анжуманлар уюштириши режалаштираяпмиз. Пандемиядан сўнги Истанбул шаҳрига бориб, Қўрқит ота қабрини зиёрат қилдим. Аслида Қўрқит отанинг қабри деб



"Аз и Я" – БУЮК ТУРОН ҒОЯСИНИНГ ДЕБОЧАСИ



Ўтган йили публицист, шоир, жамоат арбоби, дипломат, адаб-таълим, Қозоғистон Меҳнат Қаҳрамони Ўлжас Сулейменовнинг "Аз и Я" китоби ўзбек тилида нашрдан чиқди.

Ушбу китоб ўтган асрнинг 70-йилларида рус тилида битилган. У шарқий славян халқларининг машҳур асари "Игорь полки ҳақида достон"нинг лингвистик таҳлиллари бағишланган. Асар туғилибоқ, бўғилган – собиқ Иттифоқ айна кўчага тўлган пайтида "рус оғалар" тарихига тузатиш киритиш сари бўлган бундай уриниш қаттиқ қаршилик дуч келгани табиий ҳамдир. Китоб бир қарашда тор илмий доира – туркшунослик-тилшунослик этимологияси аҳли учун ёзилгандек туюлса-да, тарихга ёндашув эҳтироси, уйғоқ руҳ ва қалб ҳаяжони ҳар қандай миллатсевар ва ҳақиқатпарварни бефарқ қолдирмайди.

Китобнинг муқаддимаси «Жанубий Қозоғистон» вилоят газетаси ходимларининг сазъи-ҳаракати билан олинди. Унда Ўлжас Сулейменовнинг "Ўзбек ўқувчиларига хат"и чоп этилган.

"Профессор Бахтиёр Исабеков томонидан "Аз и Я" китобининг ўзбек тилига таржима қилиниб, чоп этилишини қўллаб-қувват-

лаганларнинг барчасига самимий саломимни йўллаймам.

Асаримиз озарбайжон, қирғиз тилларида таржима қилиниб, чоп этилган эди, мана, энди ўзбек тилида ҳам нашр этилаётганидан хурсандман.

Ўлжас СУЛЕЙМЕНОВ.
Таржимонга: "Биродарим, раҳмат, қўлингизни сиқиб қоламан", дейилади мактубда.

Китобда асарни нашрга тайёрлаган филология фанлари номзоди Улуғбек Султоннинг "Эллиқ йилга кечиккан китоб" номли муқаддимаси ўрин олган. "Қўлингиздаги ушбу дурдона китоб уйғоқ тафаккур лаззатидан баҳраманд этади. Дуру жаҳоирлар қора тупроқ қаърида ётса ҳам, қадр-қиймати йўқолмайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикасидаги Вазирлар Шўраси раиси

Ш.М.М. 112, 011 10 8024.

Приветствую профессора Бахтияра Исабекова и тех, кто поддержал издание перевода книги «Аз и Я» на узбекский язык. Книга с трудной судьбой. В ней сказано, что «Слово о полку Игореве», созданное в Киевской Руси, было написано автором, жившим около двенадцатого и тринадцатого веков. Давление, вероятно, естественное для XII века (эпохи Ига), конечно выразилось в тексте поэмы. В XVI столетии «Слово» было переписано и многократными «переворотами» терминной термины и выражения – уже неопознанные читателем «обновлениями». Русь. Эти «обновления» усложнили восприятие поэмы читателями XIX и XX веков.

В «Аз и Я» высказана причина разногласий, возникших в среде ученых, десятилетиями исследовавших «Слово» – она не знала ни одного русского начения.

Поэтому критика сводилась на распространение книги. Она получила мировую известность, адалась на других языках только в переписках и иллюстрациях, но не в бумажном переводе. Рад, что вышла на узбекском языке, меркантиль и теперь выходит на узбекском.

Батонга сизга, жануру,
Биз Сулейменов.

000128

Эллиқ йиллик қора тарих қаъридан қазиб олинган гавҳар "ғўзалиғи"дан баҳраманд бўлинг!", дейди олим.

Эллиқ йиллик "қора тарих" қаъридан қазиб олинган гавҳар – "Аз и Я" китоби пок ниятли китобхона бағишланган. Унинг тақдими Халқаро китоб кўргазмаси доирасида Тошкент шаҳрида ўтди.

Отабой РАХИМҒОЗИЕВ.

ганимиз йўқ. Бадий асарлар устидан ҳам ишляпсизми? Янги роман ёзиш ниятингиз борми?

– Менимча, янги сюжет ўйлаб чиқи, янги образлар яратишдан кўра томирлари теран тарихимизни, сўзлар тарихини ва аждодларимизни ўрганиш анча фойдалироқ.

– Хабарингиз бор, Жанубий Қозоғистон вилояти 6 йил муқаддам Туркистон вилоятига айланди. Энди барчамиз – туркистонликлармиз. Туркистонликларга тилакларингиз...

– Минг шукрки, ҳозир осмонимиз мусаффо, замонамиз тинч-осойишта, Президентимиз томонидан олиб борилаётган иқтисодий ислохотлар, Янги, Адолатли Қозоғистон ғояси самарасини беришига ишончим комил. Бирлик бор жойда ҳаёт бор, осуда ҳаётимизга кўз тегмасин. Биз, барчамиз – туркистонликлармиз, дедингиз, аниқроғи, барчамиз – қозоғистонликлармиз. Барча қозоғистонликларга соғлиқ ва омонлик тилайман. Зеро, жаҳонда юз бераётган воқеалардан хабардоримиз ва хавотирдамиз. Етти-саккиз йил муқаддам, минтақа раҳбари Бейбит Атамқуловнинг тақлифи билан вилоятнинг деярли барча туман ва шаҳарларида бўлиб, яхши инсонлар билан учрашдим, улар билан суҳбатлашиб, «Элимизга кўз тегмасин», «Юртимизга кўз тегмасин», деган сўзларни юрагимдан ўтказган эдим.

– Ўлжас Ғарури, сиз ЮНЕСКО тизимида ишладингиз. Фаолиятингиз давомида қандай ишларни амалга оширдингиз, ҳамкорликни давом эттирасизми?

– ЮНЕСКОда ишлаш давомида кенг қамровли ишларни амалга оширдик. Жумладан, 2010 йил айнан Қозоғистоннинг ташаббуси билан БМТ Бош Ассамблеяси қарорига биноан «Маданиятларнинг яқинлашуви йили» деб эълон қилиниб, шу йил доирасида илм-маърифат йўналишида қатор тадбирларни ўтказдик. Мисол учун биз «Араб файласуфлари ва Оврўпонинг Ўрта аср Ғойиниши» мавзусида илмий анжуман ташкиллаштирдик. Бундан араб тилида ижод қилган файласуф Ал-Форобий ҳақида, шарқий маданият билан ғарбий, Оврўпо маданиятларининг ўзаро муносабати ҳақида гап борди. Мақсадимиз – ЮНЕСКОнинг устувор йўналиши бўлган маданиятлар ўртасидаги мулоқотни мана шу лойиҳада акс эттириш эди. Ундан кейин биз қадимги тарихда халқларнинг Буюк кўчишига бағишлаб ҳам лойиҳа ташкил этдик. Халқларнинг Буюк кўчиши ҳақида 2018 йилнинг бошида Парижда бир анжуман уюштирдик. Унда турли соҳа вакиллари ўз фикру мулоҳазалари ила чиқиш қилдилар ва ушбу илмий анжуман маълумотлари асосида китоб нашр этдик. Кейинги йил биз Америкада Америка қитъасига Колумбгача бўлган даврда инсоният

номланган жойлар бир неча, шулардан бири Қизилўрда вилоятида бўлиб, у ерда мемориал мажмуа ҳам бунёд этилган. Мен Қўрқит отанинг тарихини ўрганишдан, тарих назари билан боқсак, у туркман, турк ва озарбайжон ҳам бўлган экан. Ҳатто, Қўрқит отанинг изларини Қадимий Миср ёзувларида ҳам учратиш мумкин. Унинг номи 5 минг йил муқаддам аждодларимиз томонидан тилга олинган.

– Рақибларингиз шўролар даврида ҳам бор эди. Ҳозир ҳам йўқ эмас...

– Албтта. Шўролар даврида менинг рақибларим СССРда мафкура учун масъул бўлган Сулов ва унинг тасаруфидида Москва академиклари ва ёзувчилари, кейин эса ҳарбий-саноат мажмуаси раҳбарлари эди. Мени миллатчилик ва пантуркизмда айблаган эди. Бугун эса айрим маҳаллий мухолифлар мени байналмилаллигим учун танқид қилишаётганидан воқифман.

Мен ҳамisha байналмилалчи бўлганман ва шундай бўлиб қоламан. Мамлакатимизда бунга расмий тўсиқ йўқ. Давлат раҳбари Қасим-Жўмарт Тўқаев ҳам маърузаларини қозоқ ва рус тилларида ўқийди. Қозоғистон халқ Ассамблеяси эса байналмилаллик элчиси. 1963 йилда мен «Қўшли тунар» китобимда шундай деб ёзган эдим: «Мен ҳар бир эзилган халқнинг жонқуяриман, менинг эътиқодим тоғларни камситмасдан даштни юксалтиришидир». Мен ушбу тамойилга содиқ қолишда давом этаман. Буни фожиали кунларда мен борган Озарбайжон, Тожикистон, Чеченистон, Ингушетия, Грузия ва бошқа мамлакатлар аҳолиси ҳам тасдиқлаши мумкин. Собиқ қардош республикалардаги русларни ҳам, рус тилини ҳимоя қилиб гапирганман. Негадир адибларимиз 1984 йилда қозоқ тилини ҳимоя қилиш бўйича биринчи анжуманни ташкил қилганимни ва ўтказганимни эсламаяпти. Тадбир мен раис бўлган Қозоғистон Ёзувчилар уюшмасида ўтган эдику. Ўша пайтда бундай тадбирлар мартабасини кўтариш учун қилинмасди. Аммо мартабасидан айрилиб қолиш мумкин эди.

А. АБДУҒАТҶО.

Тасвирларда: Ўлжас Сулейменов 1989 йилда; тарихий тасвирлар – адиб вилоятимиз журналистлари билан учрашувда; Алматы шаҳрида "Мухтар Ауезов адабий мероси ва жаҳон тамаддуни" мавзусида ўтган халқаро анжуманда Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети профессори, филология фанлари доктори Баҳодир Фарим Ўлжас Сулейменовнинг кифтига зарбоф тўн ёпди.

ўхшаганларидир. Туркславистика буюрўхатни жуда кенгайтириб оборади.

– «Замин, инсонга таъзим айла», деган шеърингиз самолётдан сочилган, яъни тарқатилган деган гапни айтганди. Шу тўғрими?

– 1961 йил 12 апрелда инсон илк бор фазога парвоз қилди. Юрий Гага-

бутуниттифоқ радиоси, телевидение-сида ўқиб эшиттиришди. Май ойида поэмамини Американинг Колумбия университетида ўқидим, июль ойида Парижда, Сорбоннанинг залида чиқиш қилдим.

Ҳозирги ёш авлод Гагарин ҳақида деярли билмайди. Ўшанда бутун дунё



Баҳор келиб, ёзлар ўтди...

Туркистон вилоят ва Шимкент шаҳар ўзбекларининг ишончи ва ифтихори бўлган ўзбек этномаданият бирлашмаси 35 йиллик юбилей тўғрисида яқинлашиб келаётганини инобатга олиб, ушбу жамоат ташкилотининг асосчилари, мақсади, аҳамияти, вазифалари ва бошқа жиҳатларини газетамиз муштарийларига таништирамиз.

Ўтган асрнинг 80-йилларида М. Горбачевнинг ташаббуси билан "қайта қуриш" сиёсати амалга оширила бошлади Бу

дов, Мираҳмад Мирхолдоров, шоир Эрناзар Рўзиматов ва бошқалар киради. Бўлажақ марказнинг Низоми ишлаб чиқилиб, ҳужжатлар расмийлаштирилган, шаҳар ва вилоят раҳбарлари қурултой ўтказишга рухсат беради.

1989 йил 17 декабрь куни вилоят филармонияси биносида 500дан зиёд делегатлар иштирокида ўтган қурултойда С. Нурматов мажлисни очиб, "Чимкент шаҳри ва вилоятимиздаги ўзбек миллатининг



даврд республикамизда сони жиҳатидан жуда озчиликни ташкил этадиган бошқа миллатлар ўртасида маҳаллий ўзбеклар ўз ҳақ-ҳуқуқларидан тўлиқ фойдалана олмасдилар. Яъни маҳаллий идораларда, юқори ташкилотларда фаолият юритадиган лавозим соҳиблари ўртасида миллатдошларимиз деярли йўқ эди. Бундай вазиятда ўзбек халқининг маънавий ва маданиятини тиклаш, сиёсий онгини юксалтириб, уни республика даражасигача кўтариш шу пайтдаги долзарб муаммолар сифатида тўплалиб қолганди. Бу ҳолат ҳаёти ва меҳнат фаолияти кўпларга ибрат бўлишга арзийдиган бир гуруҳ илғор фикрловчи зиёлилар қалбини тинч қўймади. Уларнинг асосий мақсади му-

тили, маданияти ва анъаналарининг ҳозирги аҳволи, этномаданият марказининг мақсад ва вазифалари" мавзусида маъруза учун сўзни Ирисмат Юнусматовга беради. Нотиқнинг маърузаси қатнашчилар томонидан кизгин қарши олинади. Ва ниҳоят ўзбек этномаданият маркази ташкил этилади. Қурултой сўнги концертга уланиб, қарийб 3,5 соат давом этади. Концерт ўз мазмуни ва моҳияти билан тадбир иштирокчилари қалбига бир умрга ўчмас из қолдириб, кўпларнинг кўзларида беихтиёр қувонч ёшлари қалқиганини кўрганман. Қурултойда Собиржон Нурматов – раис, муовини этиб Фарҳод Асильов ва Абубакир Қорахўжаевлар сайланади.

"Ўзбек маданият маркази"

ва вилоятимизда эришилаётган муваффақиятларни ёритиш билан биргаликда халқлар дўстлигини мустаҳкамлаш, шунингдек, миллат тарихи, тили, маданияти, санъати, урф-одатларини тарғиб этиш ҳамда буюк истеъдод соҳибларини элга таништиришда фаоллик кўрсатмоқда.

Фурсатдан фойдаланиб, шунинг ҳам таъкидлаб ўтиш жоизки, ҚР Парламенти ва Сенатига сайланган тўрт нафар депутатларимиздан уч нафари, 2003 йилда очилган ўзбек драма театрининг икки нафар директори халқ кўзгуси бўлмиш "Жанубий Қозоғистон" рўзномаси бешигида воёга етиб, улғайганлар. Ўзбек маданият маркази 1992 йилда вилоят мақомига эга бўлган, 1993 йилдан 1996



тассади ташкилотларга бориб, халқи дардини тинглаш ва улар билан амалий ишларни жонлантириш, бунинг учун узоқни кўзловчи режалар тузиб, тадбирлар юритиш, бунда давлатимизнинг қонун-қоидаларига таянган ҳолда фаолият юритиб, кенг жамоатчиликни улуғвор вазифаларга сафарбар этиш мақсадида жамоат ташкилоти тузиш учун ёш олим Собиржон Нурматов шаҳардаги эътиборли ва таниқли инсонларни жалб этиш зарурлигини инобатга олиб, шаҳар имоми Шукрулло Муҳаммаджонов, маҳалла кўмиталари раислари ва зиёлиларидан Турдали Усмонов, Талъат Маҳмудов, Икром Ниёзов, Эргаш Йўлдошев, Эшпўлат Қирғизбоев, Муборакхон Имомсаидов, Мурод Каримбоев, Фарҳод Асильов, Абубакир Қорахўжаев, Абдулла Абдуқодировлар билан бамаънафат миллий жамоат ташкилотини тузиш тўғрисидаги фикрини баён этади.

Миллий этномаданият марказининг тузилишида бош-қош бўлиб, жонини хатарга тиккан миллатимиз даргалари халқимизни бирлаштирган, миллатнинг нуфузини мустаҳкамлаб, ўзлигини англашига чорлашган. Уларнинг сафига кейинчалик ижодкор-шоир Ирисмат Юнусматов (Сарварий), Хайдарқул Мирзақулов, Маҳаммад Саи-

номи билан асос солинган жамоат ташкилоти кейинчалик 1992 йил 26 февралдаги қурултойда вилоят ўзбек маданият маркази мақоми олд ва Маҳаммадрасул Исоқов раис этиб сайланади...

ЎЗБЕК МАДАНИЯТ МАРКАЗИ ТАШКИЛ ЭТИЛГАН ...

17 декабрь куни ўтказилган қурултойда ўзбек тилида газета ва театр йўқлиги ҳақида ҳам сўз юритилганди. 1990 йилда КПСС МКнинг Бош қотиби М. Горбачев номига бир гуруҳ фаол-ижодкорлар томонидан 405 нафар киши имзоси билан хат йўлланади. Давлат раҳбари хатга жавоб бериб, "иложи бўлса, ўзбек тилида вилоят газетаси чиқарилсин", деб имзо қўяди. Шундан сўнг, 1990 йил декабрда илк бор "Дўстлик байроғи" (ҳозирги "Жанубий Қозоғистон" вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси)нинг нишона сонини тайёрлашда журналистлардан Мираҳмад Мирхолдоров, Абдували Рўзиматов, Юсуфжон Сайдалиев, Абдуманноп Алесов, Муроджон Абубакиров, Иброҳим Туркий, устоз-мураббийлар Бегмат Турдиқулов, Фарҳод Асильов ҳамда Шукрулло ҳожи Муҳаммаджоновларнинг ҳиссалари салмоқли бўлган эди.

Мана салкам ўттиз беш йилдирки, ушбу газета республика

йилга қадар 67 талаба Ўзбекистонда ўз она тилларида олий ўқув юрлари ҳамда ўрта махсус ўқув юрларида таълим олишди.

Сўнги йилларда Туркистон вилоят УЭМБ раиси Бадриддин Нишонқуловнинг саъй-ҳаракати ва ғамхўрлигида кўпгина ёшларимиз чет элларда ва ўзимизнинг нуфузли ОТМларида таълим олишди. Лекин уларнинг бирортаси бугунги кунда юқори ташкилотлар, маҳаллий идораларда фаолият юритаётгани ёки йўқми, бу томони бизга қоронғу.

Жамоат ташкилотининг ўзбек тўйларини тартибга келтириш (пул сочишлар, ҳаводор) борасида салмоқли ишларни амалга оширганлигининг гувоҳимиз.

Бундан 35 йил муқаддам қалтис даврда "юрак ютиб", халқни бириктириб, эл қалбига йўл топган миллатпарвар отахонларнинг амалга оширган хизматини эслаб, ҳурматини жойига қўядиган шаҳар, вилоят ўзбек этномаданият бирлашмалари раҳбарлари 2024 йилнинг 17 декабрида бирор тадбир ўтказишармикин?!

Ҳайитмат МУХИДДИНОВ, факрий қурувчи, тарихий қурултой иштирокчиси.

Тасвирларда: вилоят ўзбек маданият маркази фаолиятдан лавҳалар.

Ўзбекистон мустақиллигининг 33 йиллиги тадбирлари «Бир бўлсак ягона халқимиз, бирлашсак Ватанмиз!», деган бош ғоя остида ташкил этилди. «Она диёр – ранглар жилосида», «Ватан учун яшайлик!», «Энг улуғ, энг азиз» каби анъанавий кўрик-танловлар ўтказилди.

– Навоий вилоятининг Конимех туманидаги Маърифат ва маънавият марказида ҳам ушбу тадбир ажойиб бир тарзда нишонланди. Шоир ва ёзувчилар, санъаткорлар ушбу шодиёнада фаол иштирок этиб, элга, халққа эзгулик улашди, – дейди Конимех тумани ҳокимининг жамоатчилик ва маънавий оқартув тадбирлари бўйича муовини Медғат Тулегенов. – Ўзбекистон мустақиллигининг 33 йиллик санаси чинакам умумхалқ байрами, озодлик ва саодат айёми сифатида кўтарин-

МАЪНАВИЯТ ФЕСТИВАЛИ



ки кайфиятда кутиб олинди ҳамда мамлакатнинг бугунги тараққиёт даражаси, юксалиш суръатларига муносиб тарзда нишонланди.

Мустақиллик байрами барча шаҳар ҳамда туманлар,

қишлоқ ва овулларда муносиб нишонланиши таъминланди.

Мен ҳам ҚР ёшлари номидан ушбу тадбирда иштирок этиб, олам-олам таассурот олганим ҳақида газета орқали ҳамюртларимга ахборот

беришни лозим топдим. Дўстлигимиз, муносабатларимиз бардавом бўлаверсин.

Бобуржон ҲАСАНТОВЕВ.
Тасвирларда: маънавият фестивалидан лавҳалар.

Ш. Ниёзов номли мактаб 90 ёшда

ТЎЙНИНГ ТАДОРИГИ ҚИЗИҚ



Туркистон шаҳридаги Айдарбек Бўлатули раҳбарлик қилаётган Шароф Ниёзов номли мактабнинг 90 йиллик юбилейига тайёргарлик масаласи шаҳар ўзбек этномаданият бирлашмаси раиси Райимжон Қўчқоров, оқсоқоллар кенгаши раиси Тўлқин Саидмуродов, мактаб директорининг ўринбосари Равшан Абдураимовлар иштирокида муҳокама қилинди.

Илм маскани устоз-мураббийлари "Жанубий Қозоғистон" газетаси обунасида ҳамisha фаол. Шу боис, вилоят наشري саҳифаларида мактабнинг 90 йиллик тарихи, ютуқлари батафсил ёритилмоқда. Директор Айдарбек Бўлатули юбилейга тайёргарлик доирасида амалга оширилган ишларга тўхтади.

Юбилейга тайёргарлик юксак даражада. Фаоллар ва ҳомийларни рағбатлантириш масаласида шаҳар, вилоят ўзбек

этномаданият бирлашмаларининг ташкилий иштироки зарур. Келгуси ой, 19 октябрь – шанба кунига белгиланган мактаб тантанасида барча битирувчилар ва фаоллар иштирок этишса, нур устига нур бўларди.

Ш. МАДАЛИЕВ.

Тасвирда: юбилейга тайёргарлик кенгаши иштирокчилари.

Муаллиф тасвири.

»» 28 сентябрь – “Ўзбек тили, маданияти ва аънавалари” куни

ДОРБОЗ САНЪАТИ НАМОЙИШ ЭТИЛАДИ



Ўзбек маданиятининг кўҳна санъати – дорбозлик ҳисобланади. Минтақамизда дорбоз фақат Қарноқ қишлоғида сақланиб қолган.

Санъатнинг бу турини бошқа худудларда ҳам оммавийлаштириш зарур. Қарноқлик моҳир дорбоз Маъмуржон Эргашев кўп йиллардан бундан оғир санъатини халқимизнинг турли байрамларида намойиш этиб келмоқда. Баланг ёғоч оёқлар воситасида ҳам томоша кўрсатади.

Асосий касби қурувчи, бўш пайтлари-

да тўй ҳашамларда карнай чалиб ҳолис хизматини кўрсатади. 28 сентябрь куни Туркистон шаҳридаги А. Яссавий макбраси пойида ўтадиган халқона байрамда ҳамматли ҳамқишлоғимиз Маъмуржон Эргашев яна бир бор мухлисларига дорбоз санъатини намойиш этишга шай.

Бекзод ҲАБИБОВ,
Кентов шаҳар маслаҳати депутати,
Қарноқ қишлоқ ўзбек этномаданият бирлашмаси раиси.
Муаллиф суратга олган.

»» “Қарзсиз жамият”

МОЛИЯВИЙ САВОДХОНЛИК – ФАРОВОНЛИК ЙЎЛИ

Лойиҳа доирасида “Буюк дашт” ҳамжамияти “Қарзсиз жамият” лойиҳасининг молиявий таҳлилчиси, тадбиркор Айгерим Амрираева маъруза қилди. Молиявий саводхонлигини оширган барча фуқароларга махсус сертификатлар топширилди.

Шунингдек, “АМАНАТ” партияси Сайрам туман филиалининг маслаҳатчиси Ғулможон Ирискелдиев, Сайрам туман ҳокимлигининг иқтисодиёт ва молия бўлими шўъба мудири Гулсара Ташимова, Қарабулоқ қишлоғи ҳокими девонининг тадбиркорлик бўйича бош мутахассиси Баҳромжон Имомов семинарда фаол иштирок этишди.

Тадбир ниҳоясида Айгерим Алиқизи аҳолининг муружаат ва саволлари бўйича қабул ўтказди.

Сайрам тумани ҳокимининг матбуот хизмати.

2024 йилнинг 16-20 сентябрь кунлари Сайрам туманидаги Қарабулоқ, Орис қишлоқларида “Қарзсиз жамият” лойиҳаси доирасида тадбирлар ташкил этилди. Унда соғлиқни сақлаш, таълим, ноҳукумат ташкилотлар вакиллари, нафақадорлар, ногиронлар ҳамда қишлоқ аҳолиси иштирок этишди.



Қарзсиз жамият

Кутилмаганда тадбиркорга айландим. Касалхонада бир неча йиллар ишладим. Ишхонада иш шaroитларини танламайсиз, албатта, гоҳида оғир беморларни олиб келишадиди, гоҳида тунги навбатчиликларда қолиб кетасиз. Хуллас, ниҳоятда чарчаб юрган пайтларим...

Қолаверса, оиламда қайнота-қайнона, турмуш ўртоғим ва фарзандларимнинг ҳам хизмати зиммамда эди. Қайнота-қайнонам фақат мен пиширган таомни ейишарди. Шунинг учун уларнинг кундалик овқатини тайёрлаб, кейин ишга кетардим. Рўзғор, бозор-ўчар ҳам менинг вазифам эди. Бирорта зиёфат, йиғинларга боришга вақт топмасдим. На ишхонада, на қариндошлар орасида. Қариндош-уруғларим билан кўпинча телефон орқали хабарлашиб қўярдим, холос. Бундай яшаш шароити ёки турмуш тарзи ниҳоятда қийин эди. Соғлигим панд бера бошлагани ювиб, уй-ҳовлини йиғиштираман, кейин яна тушлик тайёрлаш учун ошхонага чопаман. Тушликдан сўнг яна ҳовлидаги ишларни бажараман, бирпасда, кечки овқатга уннашим керак бўлиб қолади. Бундай кун тартибидан тушкунликка тушган кунларим ҳам бўлди. Банкдан кредит олиб, тадбиркорликни бошлаш ҳам хаёлимга кирди. Лекин дарров бу фикрдан қайтдим. Лекин ҳар қандай мушкуллик чекинади, деганлари рост экан. Ушанда, ўзим билан ўзим бўлиб, ғамгин юрган кунларимда ажойиб гоё тугилди. Кун бўйи ошхонада юраркансан, мана шу фурсатдан фойдалансанг-чи, деди ички бир товуш.

Негудир, чучвара тугиб ўтириб, шу хулосага келдим. Мен пиширган таомларни оила аъзоларим севиб, истеъмо қилишадиди, дедим, уларни бошқалар ҳам яхши кўришлари мумкин-ку. Нега чучвара ёки лағмон тайёрлаб, яъни ярим тайёр маҳсулот ҳолида сотишни йўлга қўймайсан, деган фикр келди хаёлимга. Кимга сотаман, ҳозир ҳамма шунақа ишлар билан шуғулланяпти, ким ҳам оларди, бекорга увол бўлиб қолиб кетмайди, деган ҳадик ҳам бор эди. Нима бўлса бўлар, сендан нима кетди, ҳеч бўлмаса, музлатгичга солиб қўясан, кейин уйдагиларга пишириб бераверасан, қайтанга ҳар доим тайёр овқат бор бўлади, дерди ички овоз. Ҳеч кимга айтмасдан қўшни дўконга чиқиб, 2 килоча қийма сотиб олдим. Уйда пишез бор, ун бор. Чучварага кўп маҳсулот керак эмас. Яхшилаб хамир қилдим ва зуваламни ёя бошладим. Тайёр чучвараларни музлатгичга солиб, дўконга қайта чиқдим. Сотувчи аёл қўшним бўлгани учун “майли олиб келинг, балки, ўтиб қолар”, деди. Тайёрлаган чучварам учта халтача бўлди. Уйда тарози бўлмагани учун музлаб, қотиб қолган чучвараларни биттама-битта санаб, теппа-тенг қилиб жойлаштирдим ва дўконга кўтариб кирдим.

ҲАЁТИМ МАЗМУНГА ТЎЛДИ



Биринчи кун ҳеч ким индамади. Иккинчи кун ҳам жимжит. Нон олишга кирганда, дўкон музлатгичида ётган чучвараларимга қараб қўяман, биров сўраса қанийди, деб ич-ичимдан илтижо қиламан. Тўрт кундан кейин бир мижоз битта халтачасини сотиб олибди. Уйда пишириб кўргач, мазаси ёқиб, қолган иккитасига қайта келибди. Хуллас, сотувчи “яна тайёрланг”, деб қолди. Жон-жон деб тайёрлаб бердим. Бу сафар сал кўпроқ. Ушанда турмуш ўртоғим қаттиқ қаршилик қилди. “Нима кераги бор, фойдасиз иш”, деб кескин туриб олди. Бир амаллаб кундириб, бошлаган ишимни давом эттиравердим. Ҳали даромад-фойдасини ҳисоблаб чиқадиغان аҳволда эмасман, фақат “чучвараларим” ўтса бўлди, исроф бўлмаса эди, деган хавотирданман, холос. Шундай қилиб, орадан 2 ой вақт ўтди. “Бизнесим” “гуллаб-яшнаб” кетгани йўқ. Лекин менга эрмак топилди, буюртмага қараб, кунига 5 килоча чучвара тайёрлаб, дўконга чиқараман. Сотилган маҳсулотдан тушган пулга ун, пишез, қийма сотиб оламман. Умримда бундай ишларни қилмаганим учун бошида ҳадик бор эди, кейин эса у ҳам тарқаб кетди. Қўлимда блокнот, ручка, ҳамма сарф-харажат, ҳисоб-китобни эринмай ёзиб бораман...

Сотувчи аёл “битта менинг дўконимга эмас, бошқаларга ҳам тайёрлаб берсангиз, узингизга келдим. Уларда менинг чучвараларимдан бошқалари ҳам турибди, шундай бўлса-да, “Карвон кўп, ризки бўлак”, дея, сотувчиларнинг қўлларига ушлатиб кетавердим. Кимдир кўнмади, кимдир рози бўлди. Кичик дўконлар бўлгани учун, яна чеккароқ маҳалларда жойлашгани учун бирорта сертификат ёки шунга ўхшаш рухсат қоғозларини сўрашмади. Лекин... Ишонасизми, телефон қилишиб, янгидан-янг “буюртмалар” қилишди. Энди умуман ошхонадан чиқа олмай қолдим. Утирсам ҳам, турсам ҳам – чучвара.

Энди “қасбим”ни расмийлаштирадиган вақт келди, дея солиқ идорасига бориб, хусусий тадбир-

кор сифатида рўйхатдан ўтдим, гувоҳнома олдим. Чучвараларимга чиройли қоғоздан “қоплама” ишлатиб, ном қўйдим. Энди фақат битта турини эмас, балки уч хил турини тайёрлашни ўргандим. Биттасига товуқ гўштини ишла-таман, мана шунисига харидор кўпроқ. Қўшни вилоятлардан ҳам катта буюртмалар бўла бошлагач, ишчилар ёллашга тўғри келди.

Ҳозир уйимда катта цех очганман, яхшилаб таъмирлаб, ёнгина қарши хизмат, санитария талабларига мос жиҳозлаганман, 7 нафар ишчи ишлайди, ҳар ойда маош тўлаб тураман, ижтимоий тўловлари ҳам юритилади. Цехга зарур жиҳозлар, асбоб-ускуналар, идиш-товоқларни сотиб олганман. Гўшт ёки бошқа маҳсулотларини харид қилиш учун энди бозорга югурмайман, одамларнинг ўзлари олиб келишадиди. Чучвара ёнига дунган лағмонини ҳам қўйганмиз, унга ҳам харидор бисёр. Менинг вазифам – фақат таъминот, мижозлар, молиявий-маъмурий масалалар, холос. Цехда эса иш қайнаб ётибди, ишчи хотин-қизларнинг қўли-қўлига тегмайди. Катта буюртмалар учун ускуна ишлатамиз, лекин кичик буюртмалар қўл кучи билан тайёрланади.

Энг кераги, оилам даромади кўпайди, муҳими – энди турмуш ўртоғим, “йиғиштир, фойдасиз ишингни” демайди, аксинча, ўз машинасида дўконларга тарқатади, музлатгичларга қараб туради ва ҳоказо. Фарзандларим ҳам ёнимга киришди, биттаси қиймага жавобгар бўлса, иккинчиси қадоқлайди. Ҳаммага иш етарли. Телефоним бир зум тинмайди, ҳақиқий тадбиркорга айланиб қолганман. Инстаграмдаги саҳифамдан кўриб, “буюртма”лар тушиб туради. Қолаверса, қариндош-уруғда ҳам тўй-ҳашам кўп. “5-6 кило чучвара тугиб беринг”, дегувчилар кўп. Хуллас, иш кўп... Ҳаётимга янгича мазмун кирди, яшашга иштиёқ пайдо бўлди. Орада оилам билан хорижда дам олишларга ҳам вақт топялмиз. Илгари бу ҳақда ўйлашга имкон йўқ эди.

Қаҳрамоним исм-шарифини ёзишимни истамади, шунчаки бошидан ўтганларини айтиб берди, холос. Қарз ботқоғига ботиб қолган ҳамюртларимиз учун ибратли ҳикоя...

ҲАМРОЗ.

Ҳаётимга ҳам ортиқча зарар етмайди, деб ўйлагандим. Фақат...

ҚАРЗ ҒАВҒОГА АЙЛАНМАСИН

Тўйдан кейин кутилмаганда саломатлигим ёмонлашиб, ишлай олмай қолдим. Меҳнатга лаёқатсизлигим туфайли ишдан бўшашга мажбур бўлдим. Банкдаги қарзларим эса ойма-ой тўпланиб, пеня тўлаш мажбурияти ҳам юкланди. Хуллас, 2 йилча тайинли иш топа олмай, кредитларимни узолмай қолдим. Пеня ва фоизлар ортиб бораверди. Ҳатто, Алмати шаҳрига бориб, банкларнинг бош идораларига кириб, аризалар ёздим. Саломатлигим туфайли қарзимни тўлай олмаётганим, вақтинча “қарзни тўлаш муद्датини узайтиришларини” сўрадим. Фойдаси бўлмади.

Ушанда шуни билдимки, мижознинг “кредит тарихи” (кредитная история) ёмонлашган сайн, қарз гирдобини ҳам қучурлашиб боравераркан... Шу тариқа мен “қарз гирдоби”га тушиб, ундан мутлақо чиқолмай қолдим. Бу орада ун йилча вақт ўтиб, қизим икки фарзандли бўлди, мен эса эски қарзларим билан “курашиш” билан овораман. Яхшиямки, банк-кредит соҳасида биров ўзгаришлар бўлиб, менга ҳар ойда энг кам – минимал ҳажмда қарзларимни қайтариш имконини беришди. Асосий қарз, ёпилди, фақат фоиз ва пеня билан овораман.

Агар ўша пайтда, яъни банкдан кредит олиш ва уни қайтариш қонун-қоидаларини яхши билганимда, бу холатга тушиб ўтирмадим, албатта. Лекин минг афсуски, бу битта менинг ташвишим эмас, мен билан бирга ишлаган ҳамкасбларнинг деярли ҳаммаси маошларига ишониб, бир эмас, бир неча банклардан қарз олишган. Бирини ёпса, иккинчисини тўлай олмай қийналиб юришибди. Одамда тўлов қобилияти ҳам ҳар доим бирдек бўлавермайди, бирида бор, бирида йўқ, дегандек. Ушанда қарз олувчининг ҳолига вой экан. Асосий қарзни ўз вақтида қайтариш шартини бузгач, устама тўлов ва фоизлар “авжи”га чиқади ва бу оғир ҳолат йиллар бўйи давом этади...

Ҳа, юқоридаги воқеа аҳоли ўртасида кенг тарқалган вазият. Яширишнинг ҳожати йўқ, ҳар учинчи одам банкка қарздор, кредит тўлайди ва бу борадаги

муаммоларга мубтало. Бу ижтимоий иллат мамлакатимизда шу қадар кескинлашиб кетганидан, миллионлаб одамлар ёрдамга муҳтожлигидан давлат тезкор чора-тадбир кўришга мажбур бўлди. Негаки, мамлакатнинг иқтисодий фаол аҳолисининг 15 фоиздан ортиги 90 кундан ортиқ кредитлар бўйича кечикмоқда. Фоиз ва устама тўлов ошмоқда, мамлакат фаровонлигига путур етмоқда ва ҳоказо...

ҚР Президенти Қ. Тўқаев ўтган йили 1 сентябрдаги халққа Мақтубида мажбур долзарб муаммони ҳал қилиш йўли сифатида “Қарзсиз жамият” лойиҳасини эълон қилди. Унга кўра, мамлакатнинг барча худудларида оммавий молиявий саводхонлик таълими бошланди. Лойиҳа мутахассислари барчага шахсан ёрдам кўрсатиб, махсус курслар ўтказиб бошлашди. Курсларда ўқиш бепул. Курс тугагандан сўнг тегишли сертификат берилади. Бундан кўзланган асосий мақсад – жисмоний шахслар ўртасида биров муаммоли қарзлари бўлган шахсларнинг молиявий саводхонлигини оширишдир. Иштирокчилар ўз маблағларини самарали бошқаришни ўрганадилар. Улар молиявий муаммолар қандай пайдо бўлишини, кредит қарзлари сонини қамайтириш усулларини ва фибригарлик фаолиятини қандай аниқлашни билиб оладилар.

Шунинг учун Давлат раҳбари Қасим-Жўмарт Тўқаев ўтган йилнинг 1 сентябрида Қозғоғистон халқига йўлаган Мақтубида фуқароларнинг молиявий саводхонлигини ошириш муҳимлигини алоҳида таъкидлади: “Қарзсиз жамият” лойиҳаси иштирокчиларининг аксарияти 10 ёки ундан ортиқ кредит олган одамлардир. Ушбу лойиҳа қисқа вақт ичида ўз самарадорлигини кўрсатди. Мен ҳукуматга «АМАНАТ» партияси билан биргаликда унинг қамровини кенгайтиришни топшираман. Лойиҳа бутун мамлакат фуқаролари манфаати учун ишлаши керак”, деди Давлат раҳбари.

Н. МАВЛОНОВА.

»» Ёднома

ЭЛ ҲУРМАТИНИ ҚОЗОНГАН ЭДИ...

Саврон тумани, Чипон қишлоғидаги Алишер Мамадалиев раҳбарлик қилаётган шифокорлик амбулаториясининг тажрибали фельдшери, соғлиқни сақлаш соҳасидаги самарали меҳнатлари муносиб баҳоланган, хизмати билан ҳамкасблари ва ҳамқишлоқларининг ҳурматини қозонган, 1971 йили таваллуд топган Фуқрат Бобошев фандан дорубақога рихлат қилди. Охирига обод бўлсин!

Туркистон тиббиёт билим юрти муваффақият-



ли тамомлаб, ҳаётини эл саломатлиги соҳасига бахшида этган Фуқрат Райим ўғли умр йўлдоши Холисхон билан икки қиз, уч ўғилни тарбиялаб воёга етказётган, оламдан ўтган укасининг уч нафар фарзандини ҳам ўз қарамоғига олиб, савобли ишга дохил бўлди. Марҳумнинг хайли ишлари у дунёда бошларига соябон бўлсин!

Саврон тумани, Чипон амбулаторияси жамоаси.

»» Тўйхат ўрнида

Сўзқўлик Султонбой муаллим

Сўзоқ туманининг Сўзоқ қишлоғи аҳолиси “Жанубий Қозғоғистон” вилоят газетасининг фаол обуначиларидан. Ушбу мақола она тилимизда давлатимизнинг тинчлик-тотувлик, ҳамкорлик сиёсатини тарғиб қилаётган нашрнинг фаол жонқуярларидан бири, Алишер Навоий номли умумтаълим мактаби директори Нурмухаммад Болтабоев ҳамда туман ўзбек этномаданият бирлашмаси раиси Муҳаммаджон Бобоевларнинг ишчан ўринбосари, олтмишининг олтин остонасига қадам қўйган устоз Султонбой Рўзиматов ҳақида.



Султонбой Рўзиматов 1964 йили 10 июлда таваллуд топган. Шимкент Ижтимоий педагогика университети тамамлаган. Умумий меҳнат тажрибаси мамлакатимиз мустақиллиги билан тенгдош – 33 йилни ташкил этади. Маориф соҳасидаги самарали меҳнатлари муносиб тақдирланган. Хусусан, “Билім шыңы” республика педагогика илмий-услубий журналининг “Қозғоғистон устози” дипломи, Туркистон вилоят маслаҳати, “Жанубий Қозғоғистон” вилоят газетаси, Сўзоқ тумани ҳокимлиги, туман маданият саройининг “Ташаккурнома”лари

билан мукофотланган Султонбой Рўзиматовга А. Навоий таваллудига бағишланган анжуманда вилоят “Ўлес” хайрия жамғармаси раиси Райимжон Қўчқоровнинг “Туркистон вилоятининг ибратли фуқароси” кўкрак нишони тақдим этилди. Мукофот муборака!

КХА таркибидagi Баҳодир Ирисметов раҳбарлик қилаётган вилоят ўзбек этномаданият бирлашмасининг кенгаши йиғилишида Сўзоқ туманининг “Жанубий Қозғоғистон” газетаси обунасидаги фаоллиги намуна сифатида юксак ҳурмат билан эътироф этилди. Узлуксиз

эътибор ва меҳнатни тақозо этадиган ушбу хайрли иш замирида мақолаимиз қаҳрамони Султонбой Рўзиматовнинг ҳолис хизматлари беқийёслигини алоҳида қайд этамиз. Ҳар гал Сўзоқ қишлоғига хизмат сафаримиз шу заминда истиқомат қилган Ҳазрат Аҳмад Яссавий замондоши Қорабўғра авлиё мақбараси зиёрати билан бошланади. Жорий йил қишлоқдаги мактабда ўтган А. Навоий таваллудининг 583 йиллигига бағишланган тadbирга “Жанубий Қозғоғистон” газетаси бош муҳаррири Райимжон Алибоев, обунда фаол зиёлилар Қодир



Аҳмедов, Мирзахон Адхамовлар ҳам иштирок этиб, юбиларни қутлашди. Қозғоғистонни узоқ йиллар самарали бошқарган Динмухамед Қўнаевнинг “Йигитнинг ёши – икки эллик” деган қанотли тилагини эҳтиром ила Султонбой Рўзиматовга армуғон этамиз.

Ш. МАДАЛИЕВ.

Тасвирларда: тadbирдан лавҳалар.

Муаллиф суратга олган.

P.S. Сўзоқ тумани ҳокимлиги, туман таълим бўлими, туман ўзбек этномаданият бирлашмаси, Алишер Навоий номли мактаб жамоаси, оила-аъзолари ва қариндош -уруғлари мақолаимиз қаҳрамони, жонқуяр ўқитувчи Султонбой Рўзиматовни олтмиш йиллик юбилейи шодиёнаси билан самимий муборақбод этиб, мустақкам саломатлик, бахт-саодат, ишда янги зафарлар тилайди. Биз ҳам шу ҳолис ниятларнинг ижобатини тилаймиз.

»» Хушхабар!

«Турон» ўрта мактабининг «Турон ёшлари» мунозара клуби қозоқ тили фракцияси вилоят босқичида фахрли 2-ўринни қўлга киритса, инглиз тили фракцияси совринли 3-ўринга ноил бўлди. Қозоқ тили гуруҳи раҳбари Зоҳиржон Қурбонов ва инглиз тили гуруҳи раҳбари Жумадулла Хайруллаевларнинг шогирдлари юксак маррани забт этишди.

Шу ўринда мунозара клубида туман шарафини ҳимоя қилган ўқувчиларни ҳам тилга олсак. Улар – клубнинг қозоқ гуруҳи етакчиси Гавҳар Чолтоева, бош вазири Муниса Тўрахонова, раислари Диана Аманжолова ва Ҳилола Отахонова, инглиз гуруҳи етакчиси Орзубону Жўрахонова, бош вазири Насиба Иброҳимова, раиси Чарос Абибуллаевлар.

Ғалаба билан кадрли устоз Аҳмаджон Аҳмедов раҳбарлик қилаётган «Турон» ўрта мактаби жамоаси, хусусан, Зоҳир Қурбонов ва Жумадулла Хайруллаевларни муборақбод этамиз.

С. ТУРСУНМАТОВ,
Саврон тумани.

ЗАКОВАТЛИ ЁШЛАР КЎПАЯВЕРСИН!



С. ТУРСУНМАТОВ,
Саврон тумани.

»» Топиб, ўқинг!

САМАРАЛИ ҲАМКОРЛИК

Қозғоғистон ва Ўзбекистон олий таълим муассасалари орасидаги дўстона алоқалар тобора мустақкамланиб, икки қўшни давлатлар олимлари ҳамда фан намояндаларининг ҳамкорликдаги илмий изланишлари ўз самарасини бермоқда.

Жумладан, яқинда Фарғона шаҳридаги “Classic” нашриётида чоп этилган Фарғона давлат университети профессори Ҳикматулло Дўсмаатов ва М. Аюезов номидаги Жанубий Қозғоғистон университети доценти, филология фанлари бўйича (PhD) фалсафа доктори Ёрмухаммад Мадалиевнинг “Сўз санъатлари” монографияси фикримизнинг далили.

Бунга қадар икки олимнинг инсониятнинг номоддий маданий мероси сифатида ЮНЕСКО-нинг Репрезентатив рўйхатига

киритилган ўзбек миллий аския санъати ҳамда ўзбек миллий сўз ўйинларига бағишланган монографиялари чоп этилган эди.

“Сўз санъатлари” китобининг 3-жилди туркий халқлар халқ оғзаки ижодидаги латифа жанри тадқиқига бағишланган.

Китоб тилшунослар, санъаткорлар, бадий сўз усталари, аскиячи, қизиқчи, умуман, миллий аския ва қизиқчилик санъатига қизиқувчилар ҳамда аскиячилик йўналиши ўқувчилари учун мўлжалланган.

З. МЎМИНЖОНОВ.

»» Туркистон

ЙЎЛОВЧИЛАР УЧУН ҚУЛАЙЛИК

Вилоят марказида Туркистон темирўл станцияси устидаги бир неча юз метрли – пйёдалар кўприги шаҳарни Бекзат кичик тумани билан боғловчи муҳим иншоотдир.



Ҳар кун миңглаб шаҳар аҳолиси – коллеж талабалари, мактаб ўқувчилари ушбу кўприк хизматидан фойдаланади. Бекзат кичик туманига навбатдаги сафаримда яхши янгликнинг шоҳиди бўлдим. Ушбу кўприк фойдаланувчилари учун қулайлик яратилиб, йўловчиларни қор, ёмғир, жазирамадан сақловчи осма соябон ўрнатилибди.

Ш. МАДАЛИЕВ.
Муаллиф суратга олган.



Шоҳбайт

“СИДҚ ИЧРА ҚАЧОНКИ
ЧИҚСА ОТИ ЭРНИНГ,
ФОШ ЎЛСА САДОҚАТДА
СИФОТИ ЭРНИНГ,
ХУШРОҚКИ, ТАВИЛ ЎЛСА
ҲАЁТИ ЭРНИНГ –
КИМ, СИДҚДИН – ЎҚДУРУР
НАЖОТИ ЭРНИНГ”
Алишер НАВОИЙ.

(Мазмуни: “эр кишининг оти тўғрилиқда чиқса, садақатли эканлиги маълум бўлса, бундай кишининг умри узун бўлгани яхши, чунки бу фазилати унинг нажоткоридир”.

“ВАТАНПАРВАРЛИК – НУҚУЛ
РАҲБАРИАТНИ МАҚТАШ, ДЕГАНИ
ЭМАС”.

Шароф БОШБЕКОВ,
драматург.

КУН ҲИКМАТИ

● ТАНИШ ЖОЙДА ИНСОННИ, НО-
ТАНИШ ЖОЙДА КИЙИМНИ ҲУРМАТ ҚИ-
ЛАДИЛАР.
Қозоқ халқ мақоли.

● ДУШМАН УЧ ХИЛ БЎЛАДИ: ЎЗ
ДУШМАНЛАРИНГ, ДЎСТИНГНИНГ ДУШ-
МАНЛАРИ, ДУШМАННИНГНИНГ ДЎСТЛА-
РИ.
ФОРС мақоли.

Ўқитибос

“МАНСАБДОРНИ БЕБУРД ҚИ-
ЛАДИГАН УЧТА ИЛЛАТ БОР: МАН-
САБ СУИИСТЕЪМОЛЛИГИ, МА-
ҲАЛЛИЙЧИЛИК ВА ПОРАХЎРЛИК”.

МИРМУҲСИН,
Ўзбекистон халқ ёзувчиси.

...Олам – хато талқин-
ларга тўлиб кетган. Не-
гаки, биз луғат кўришга
эринамиз. Янада тўғрироғи,
эски луғатларимизнинг ўзи
қўлимизда йўқ. Мумтоз ада-
бий тилимизни чуқур бил-
ган устозлар дунёдан ўтиб
кетдилар. Кунимиз тахмин-
чи билагонларга қолди...
Бугун энди дунёнинг ҳамма
китобларини йиғиб, тит-
килаганимда ҳам, масалан,
нонушта сўзининг аслини
топа олмайман... Фақат қадим-
ки китобларни кўздан
кечира туриб, тасодифан,
ноширо сўзига дуч келиб
қолган одам нонушта аслида
нима эканлигини англа-
ши мумкин. Ноширо – очлик,
ношироий – оч қоринга
ейилган таом.

Эркин ВОҲИДОВ.

Одамларки бор, ҳалол меҳнат билан ўзини
кўрсатгани эринади-ю, оламда борлигини
маълум қилиб туриш учун кўпроқ гапиришга
ҳаракат қилади; мажлис-нажлисда сўз те-
гиб қолса, фойдали бирон фикр айтиш
учун эмас, гапириш, фақат гапириш
учун гапиради. Жамиятда ўзи кўринмай
фақат товуши чиқадиган бу хилдаги
одамлар, текин қулоқ топибса, битта
эски дўппи тўғрисида саккиз соат сўз
ичмасдан гапиради. Одамлар эснай-
ди, мудрайди, мажлис раисига хўм-
райиб қарайди...

Абдулла ҚАҲҲОР.

»» Табобат

**ВАРИКОЗНИНГ
ОДДИЙ ДАВОСИ**

Сизга ярим стакан алоэ шар-
бати, бир чой қошиқ олма сир-
каси ва яримта сабзи керак бўлади. Сабзини майдалаб,
блендердан ўтказинг.
Барча маҳсулотларни бир хил қуқоқ ҳолига келгунча
аралаштиринг.
Сўнгера ушбу малҳамни ярим соат давомида варикоз
томирлардан таъсирланган жойларга суртиб қўйинг.
Сўнг ювиб ташланг.

**БЕҲИ ҚАНДЛИ
ДИАБЕТНИ
ДАВОЛАЙДИ**

Беҳи барги билан пўстлоғи дамлаб ичилса, қанд касалли-
гида яхши даво бўлади.
Бунинг учун беҳи барги ва пўстлоғи олиниб, салқин жойда
қуритилади, кейин ҳовончада янчилиб, 1 ош қошиғи чойнак-
ка солиниб, ярим литр қайнаган сувда икки соат дамлаб
қўйилади.
Дамламадан кунига 5-6 маҳал ярим стакандан ичиш та-
всия қилинади.

**Директор – Бош муҳаррир
Райимжон Ортиқбой ўғли
АЛИБООЕВ.**

Бош муҳаррир ўринбосарлари:
Муроджон АБУБАКИРОВ,
Авазхан БҮРОНБООЕВ.

Масъул котиба – Шаҳноза УСМОНОВА.

Масъул шахслар:

Туркистон, Саврон – Шомирза МАДАЛИЕВ. +7701-610-51-22.
Кентов, Сўзоқ – Рўзихон МАДАЛИЕВ. +7708-824-20-97.
Қазигурт – Хуршид ҚЎЧҚОРОВ. +7701-447-37-42.
Сайрам – Зокиржон МЎМИНЖОНОВ. +7702-278-96-90
Тулкибош – Мунира САЪДУЛЛАЕВА. +7747-144-60-71.
Жетисай, Мақтарал – Муҳтабар УСМОНОВА. +7701-257-36-97
Келес, Саригоҳ – Малика ЭЛТООЕВА. +7702-841-78-82

Муассис – Туркистон вилоят ҳокимлиги.
Мулк эгаси – “Жанубий Қозғоғистон” вилоят ижтимоий-сиёсий
газетаси таҳририяти” масъулияти чекланган биродарлиги.

● Мақолалар, эълон ва билдирувлардаги факт
ҳамда далилларни тўғрилиқ учун муаллиф-
лар, реклама ва эълон берувчилар масъулдир.
● Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб
қайтарилмайди.

Газета ҚР Маданият ва ахборот вазирлиги
томонидан 2020 йил 21 апрелда рўйхатга олинди,
КЗ34VPY0022503 гувоҳнома берилган.

“ERNUR” рўйи” МЧБ босямаҳонасида чоп этилди,
Шимкент шаҳри, Т. Алимқулов кўчаси, 22.

МАНЗИЛИМИЗ:
160000, Шимкент шаҳри,
Тауке хан шоҳқўчаси, 6-уй, 3-қават.
Телефон: 53-07-10. Телефакс: 53-04-66.
Электрон почта: janubiy@inbox.ru

Нашр кўрсаткичи – 65466. Адади – 11200 нусха.
Бўғорма 2319.

Навбатчи муҳаррир: Малика ЭЛТООЕВА.